

## ХИТОЙ ТИЛИДА МОРФЕМАЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ ҲАҚИДА



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7334357>

**Сабохат Абдуллаевна Хашимова**

Тошкент давлат шарқшунослик унвирситети

филология фанлари доктори DSc, доцент

ТДШУ ҳузуридаги Ўзбек-Хитой илмий-тадқиқот маркази директори

[sabohat15@mail.ru](mailto:sabohat15@mail.ru)

***Аннотация:** Мазкур мақолада ҳозирги хитой тилида морфемалар классификацияси ҳақида таҳлилий маълумот келтирилган. Хитойшунос олимларнинг фикр-мулоҳазалари асосида тегишли хулосалар берилган.*

***Калит сўзлар:** морфема, иероглиф, экспонента, туб морфема, хизматчи морфема, инициаль, нолинчи морфема.*

***Annotation:** this article provides information about the identification of morphemes in private Chinese. Appropriate captures are made based on the opinions of Chinese scientists.*

***Key words:** morpheme, hieroglyph, exponent, root morpheme, service morpheme, initial, null morpheme.*

### КИРИШ

Хитой тилидаги морфемаларига берилган энг батафсил тасниф Чжан Чжигуннинг “Хитой тили морфемаси тўғрисида” номли мақоласида ва унинг таҳририги остидаги “Ҳозирги хитой тили” дарслигида келтирилган. Бунда муаллиф, бошқа кўп хитойлик тилшунослари каби, морфемани товушга эга бўлган, тилнинг энг кичик маъноли бирлиги сифатида ифодалайди. Чжан Чжигун хитой тили морфемасига хос бўлган асосий хусусиятлардан бири бу, биринчи навбатда, морфеманинг бир бўғинли эканлигига эътиборни қаратади. Ҳозирги хитой тилининг морфемаси – бу оҳангга эга бўлган, битта иероглиф билан ёзиладиган бўғин<sup>1</sup>, деб таъкидлайди. Инь Биньюннинг ҳисоблашича, ҳозирги хитой тили морфемаларининг 97% бир бўғинлидир. Айнан шунинг учун ҳам Чжан Чжигун биринчи навбатда бир бўғинли морфемаларга тавсиф беради. Хитой тилининг бир бўғинли морфемалари ўзаро бирикиш даражасига қараб эркин, ярим эркин ва эркин бўлмаганларга ажратилади.

Эркин морфемалар – бу сўз сифатида иширок эта оладиган ва бошқа морфемалар билан биргаликда янги сўзлар ясай оладиган морфемалардир. Масалан: 跑– югурмок; 跑道– учиш-кўниш йўлаги, 跑鞋– югуриш учун туфли, 跑表– секундомер, 逃跑– югурмок, кочмок, 小跑 – аста югурмок, майда кадамлаб югурмок, 赛跑 – югуриш, югуриш бўйича мусобақа; 硬– каттик; 硬结 – қотиб қолиш, 硬币 – металл тангалар, 硬手 – уста, моҳир ишчи, 硬化 – қотиш, 生硬 – ғадир-будур, 强硬 – кучли, журъатли.

Ярим эркин морфемалар сўз сифатида иштирок эта олмайдилар, аммо бошқа морфемалар билан бирга бемалол сўзлар ҳосил қилиши мумкин. Масалан: 牧: 牧草 – ўт, ем, 牧场 – яйлов, ўтлоқ, 牧人 – чўпон, 牧业 – чорвачилик, 放牧 – боқиш, ўтлатиш, 游牧 – кўчманчи. Эркин ва ярим эркин морфемалар ҳозирги хитой тилида бир бўғинли сўзларнинг кўпчилигини ташкил этади. Инь Биньюннинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бир бўғинли морфемаларнинг 49% эркин. Эркин ва ярим эркин морфемаларнинг айримлари юқори

<sup>1</sup> Zhang Zhigun. Xiandai hanyu. – Beijing, 1983. – 109 页。 .

самаралидир. Чунончи, 现代汉语词典 бошлангич позицияда 人 морфемали 135 та ва 人 морфема сўз охирида бўлган 70 якин сўз келтирилган, яъни 人 морфема ҳозирги хитой тилида 200 дан зиёд сўз ҳосил қилади. Шу луғатда 健 ярим эркин морфемали 30 га якин сўз жойлаштирилган. Инь Биньяннинг тадқиқотларига кўра ҳозирги хитой тилида феъли морфемалар энг кўп сўз ясовчи хусусиятга эгадирлар.

Эркин бўлмаган морфемалар ҳозирги хитой тилида сўз сифатида иштирок эта олмайдилар ва уларнинг сўз яшаш қобилияти чекланган. Бундай морфемаларнинг айримлари хизматчи морфемалар, бошқалари – ярим эркин морфемалар тоифасидан эркин бўлмаган морфемалар тоифасига ўтмоқда. Эркин бўлмаган морфемалар ёрдамида ҳосил қилинган сўзларнинг сони, одатда, кўп эмас. Эркин бўлмаган морфемалар қаторига Чжан Чжигун қуйидагиларни киритади: 阿 (阿姨– хола), 初 (初一– биринчи), 们(你们– сизлар), 老 (老师– ўқитувчи) ва бошқалар. Шу билан бирга, Чжан Чжигун хитой тилида махсус морфемалар гуруҳини ажратиб, уларга қуйидагиларни киритади: 而– ва, 且– ҳатто, 但– фақат, 倘 – агар, 很– жуда, 越 – борган сари. Бундай морфемаларнинг сони кўп эмас. Улар хитой тилида мустақил сўзлар сифатида қўлланиши мумкин, айримлари кам ҳолларда мустақил ишлатилади ва бошқа морфемалар билан қўшилади, бу ҳолда улар икки бўғинли морфемаларга жуда ўхшаб кетади. Масалан: 但是 – аммо, бироқ, 况且 – айниқса, 尽管 – гарчи, 倘若 – агар. Бу морфемаларнинг бошқалар билан қўшилувчанлиги анчайин чекланган. Хусусан, 但 морфемаси ўнтадан кам морфемалар билан қўшила олади, масалан: 但是– бироқ, аммо, 但反–бўлганда эди, 但愿– фақатгина, 不但– нафақат, бундан ташқари, 非但 – нафақат, 岂但– нафақат. Айрим морфемалар иккитадан қўлланади, аммо кетма-кет эмас. Масалан 越走越远– тобора узоққа кетмоқда. Гарчи бундай махсус морфемалар мустақил ишлатилиши ва бошқа сўзларни яшашда иштирок эта олиши мумкин бўлсада, улар кўпинча хизматчи сўзлар қаторига киритилади. Бу хилдаги морфемаларнинг сони кўп бўлмасда, уларнинг ҳозирги хитой тилидаги аҳамияти катта<sup>2</sup>.

Хитой тилининг барча морфемаларини Чжан Чжигун мустақил маъноли, ярим хизматчи ва хизматчи морфемаларга ажратади. Мустақил маъноли морфемаларга феъли, отли ва сифатли морфемалар киритилган. Отли морфемаларга қуйидагилар киради: 天 – осмон, 石 – тош, 木 – дарахт ва ҳ.к. Отли морфемалар Инь Биньюн тадқиқ этган сўзларнинг 29% ни ташкил этади.

Хитой тили морфемаларининг мақоми унинг тарихий ривожланиш жараёнида турғун ҳолатда бўлмага. Қадимий хитой тилининг кўплаб эркин морфемалари вақт ўтиши билан ярим эркин морфемаларга айланган. Бу хилдаги ўзгаришлар ҳозирги хитой тили лексикасини моносиллабизмдан полисиллабизмга ўтиш тендецияси билан бевосита боғлиқ. Қадимий хитой тилининг мустақил маъноли морфемаларнинг бир қисми аста-секин хизматчи ёки ярим хизматчи морфемаларга айланди. Хитой тилининг тарихий ривожланиши жараёнида морфемалар билан содир бўладиган ўзгаришлар ҳар доим ҳам аниқ чегара ва доирасига эга бўлавермайди. Хитой тилида морфемалар мақомининг ўзгариш жараёни, бошқа тиллардаги каби, узоқ давом этади ва мураккабдир<sup>3</sup>.

Хитой тилининг бир бўғинли морфемаларини таърифлаб, Чжан Чжигун оҳанглашган бўғин, морфемалар ва иероглифларнинг нисбатига эътиборини қаратади. У мазкур масала билан боғлиқ бўлган 6 ҳолатни таснифлаб ўтади:

1. Битта бўғин битта морфеманинг экспонентаси бўлади ва битта иероглиф билан ёзилади, масалан: 娃, 抹, 痕.

<sup>2</sup> Хаматова А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003.

<sup>3</sup> Хаматова А. Словообразование современного китайского языка. – М.: 2003. – С. 29.

2. Битта бўғин бир нечта морфемани экспонентлайди, битта иероглифнинг ўзи билан ёзилади. Масалан, 白 сўзи: 雪白 – қордек оқ, 空白 – пробел, 明白 – тушунарли, очиқ-ойдин, 姓白 – Бай фамилияси. 年 сўзи: 年龄 – ёши, 年会 – йиллик мажлис, 年华 – йиллар, 同年 – болалик.

3. Битта бўғин бир нечта морфема билан ифодаланган: 权力, 权利 -1) ҳокимият; 2)ҳуқуқ; 界限, 界线 -1) қирра; 2)чегара. Иероглифика нуқтаи назаридан, юқорида келтирилган сўзлар турлича ёзилади. Бу турдаги бирдек жаранглайдиган морфемалар (тагига чизилган), яқин маънога эга бўлишидан ташқари, яқин маъноли ёки бир хил маъноли сўзларни ҳосил қилиши мумкин.

4. Турлича жаранглайдиган иккита бўғин битта морфемани ифодалайди, битта иероглиф билан ёзилади: 妨 (不妨– ҳалал бермасди, ортиқчалик қилмасди); 妨(妨碍 – ҳалал бериш). Бу икки бўғиннинг товушидаги фарқи оҳангларнинг бир хил эмаслигидадир.

5. Иккита ҳар хил бўғин иккита турлича морфемани ифодалайди, аммо битта иероглифнинг ўзи билан ёзилади: 称 (称赞 – мақтамоқ); 称 (称心- мамнун бўлмоқ).


6. Битта бўғин битта иероглиф билан ёзиладиган иккита (а ва б) морфемани, бошқа бўғин – бошқа иероглиф билан ёзиладиган бошқа иккита (в ва г) морфемани ифодалайди, аммо б ва в морфемалар бир хил жаранглайди, шунинг учун улар битта морфеманинг ўзига ўхшайди<sup>4</sup>:

行 а) 不行 – мумкин эмас (行 = 可)

行 б) 步行– яёв (行 = 走)

走 в) 走路 – юрмоқ (走 = 行)

走 г) 走样 – кўринишни йўқотмоқ (走 = 变)



Биттадан ортиқ морфемадан ташкил топган бир бўғинлилар, Чжан Чжигуннинг фикрича, хитой тилида икки кўринишда ифодаланган:

1) охирига 儿 қўшилган сўзлар: 花儿– гул, 芽儿– новда;

2) “путунхуа”да ишлатиладиган бир нечта шевали сўзлар: 咱 (咱们 –) – биз, 俩 (两个) – иккита, иккаласи, 仨 (三个) – учта, уччаласи, 甬(不用) – керакмас, кераги йўқ.

Хитой тилида шунингдек, икки бўғинли ва кўп бўғинли морфемалар ҳам мавжуд. Инь Биньоннинг ҳисоблашича, икки бўғинли морфемалар барча морфемаларнинг 3% ни ташкил этади.

Хитой тилининг икки бўғинли морфемалари 连绵字 – қўшилган, ажралмайдиган сўзлар ва чет тиллардан ўзлашган сўзлар гуруҳига ажратилади.

连绵字 да ҳар бир бўғин алоҳида маънога эга эмас, аммо улар бирлашиб, бирга бир маънони англатади ва битта морфемани ифодалайди. Бундай морфемалар қадимги хитой тилида кўшлаб бўлган, ҳозирги хитой тилида улар анча кам бўлиб, уларнинг сони ортмаяпти. Бу морфемаларни Чжан Чжигун уч гуруҳга бўлади:

<sup>4</sup> Хаматова А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – С. 20.

1. Бошланғич ундош товушлар (инициалалар) бир хил бўлган 联绵字. Хитойча улар 双声 деб аталади. Масалан: 蜘蛛 – ўргимчак, 吩咐 – буюрмоқ, фармон бермоқ, 仿佛 – гўё, ўхшаш, 仓促 – шошилинич, 琉璃 – шиша.

2. Иккита бўғини бир хил финалга эга бўлган, яъни қофиядош 联绵字. Бу турдаги мофермалар хитойча 叠韵 деб аталади. Масалан: 喇叭 – горн, труба, 汪洋 – чексиз, 苗条 – сарв-қомат, 怙怙 – гижгижламоқ, 迷离 – элас-элас, хира, 伶仃 – ёлғиз.

3. Инициал ва финаллари ҳар хил бўлган 联绵字. Хитойча номи 非双声. Масалан: 牡丹 – дарахтсимон пионгул, 妯娌 – келин, 玛瑙 – агат.

Аммо айрим 联绵字 ларнинг ишлатилиши аста-секин камайиб бормоқда. Уларнинг бир қисми ҳозирги тилда умуман ишлатилмайди. Аммо кўп ишлатилаётганлари ҳам мавжуд.

Икки бўғинли морфемаларнинг бошқа гуруҳини бошқа тиллардан ўзлаштирилган турли морфемалар ташкил этади. Бундай морфемалардан айримлари – қадимги ўзлаштиришмалардир. Масалан: 和尚 – монах (дарвиш), 菩萨 – бодисатва, 罗汉 – алохань. Бундай морфемаларнинг катта қисми япон, рус, инглиз, француз ва бошқа тиллардан анча кеч ўзлаштирилган морфемалардир. Масалан: 吉他 – гитара, 卢比 – рупия, 瓦特 – ватт, 马达 – мотор. Чжан Чжегуннинг эътироф этишича, ҳозирги хитой тилининг барча мураккаб морфемалари – бу хорижий тиллардан ўзлаштирилган: уч бўғинли, тўрт бўғинли, беш ва ундан ортик бўғинли мураккаб морфемалар. Масалан: 白兰地 – коньяк, 巧克力 – шоколад, 阿司匹林 – аспирин.

Чжан Чжигун ҳозирги хитой тилида икки бўғинли ва кўп бўғинли морфемаларнинг кўпайиш тенденцияси кузатилмаётганини таъкидлайди.

Фан Юйцин икки бўғинли морфемаларнинг яна бир гуруҳини – товушга тақлидни ифодаловчи морфемаларни ажратади.

Ҳозирги хитой тили икки бўғинли ва кўп бўғинли морфемаларининг сўз яшаш хусусияти чекланган, баъзилари бу хусусиятга эга ҳам эмас. Уларнинг тилда мавжуд бўлиши ҳозирги хитой тилининг асосий хусусиятларидан бири – морфемаларнинг бир бўғинлигига таъсир қилмайди.

Сўз ясалишидаги аҳамияти ва роли бўйича туб ва хизматчи морфемалар ажратилади. Туб морфема сўзнинг асосий, марказий қисми бўлиб, асосий лексик мазмунни ифодалайди. Қолган барча хизматчи морфемалар фақат негизнинг кўринишини ўзгартиради, маъносини конкретлаштиради, яъни сўзнинг турли грамматик ёки сўз ясовчи мазмунини ифодалайди. Туб морфемалар лексик ёки маъноли деб аталади.

Туб морфемалар, сўз ясовчи уяни ташкил этувчи барча турдош сўзлар таркибида, барча грамматик ўзгартирувчилар қаторига кирувчи турдош сўзларнинг барча грамматик шаклларида такрорланади: 感 – хис этиш, 感触 – руҳий кечинмалар, 感怀 – ҳавотирланмоқ, 感动 – ҳаяжонланмоқ, 感情 – ҳиссиёт.

感 гап морфемаси барча сўз ясовчи уяни ташкил этувчи сўзларда учрайди. Юқорида келтирилган мисоллардаги иккинчи морфемалар ҳам туб ҳисобланади ва тегишли луғавий уяни ташкил этувчи турдош сўзларда учради. Масалан: 动 – ҳаракатланмоқ, 动笔 – ёзмо, 动兵 – ҳарбий куч ишлатмоқ, 动词 – феъл ва ҳ.к.

Куйида келтирилган мисолларда 看 туб морфема куйидаги сўзнинг грамматик шаклларида такрорланади: 看 – қарамоқ, 看过 – кўрган, 看着 – кўра туриб, 看了 – кўрди.

Туб морфема хусусиятларидан бири унинг сўзда мустаҳкамланмаганлигидир, яъни битта морфеманинг ўзи сўзда бошқа морфемаларга нисбатан турлича жойлашиши мумкин. У сўз бошида (хизматчи морфемалардан олдин), охирида (хизматчи морфемалардан кейин) ва ўртасида (хизматчи морфемалар орасида) қўлланиши мумкин.

Туб морфемалар эркин ва боғланган бўлиши мумкин. Эркин ўзаклар бўлиб, нафақат турдош сўзларнинг ҳосила асослари таркибида, балки улардан ташқарида ҳам мавжуд бўла оладиган ўзаклар ҳисобланади. Хитой тилида бундай туб морфемаларга мисол бўлиб 水 – сув, 说 – гапирмоқ, 大 – катта ва ҳ.к.ларни келтириш мумкин. Боғланган морфемалар – фақат бошқа сўзлар таркибида ё хизматчи морфемалар билан, ёки бошқа туб морфемалар билан бирга ишлатиладиган морфемалар ҳисобланади. Ҳозирги хитой тилининг аксарият боғланган туб морфемалари қадимий хитой тилида бир бўғинли сўзлардан ташкил топган<sup>5</sup>.

Ўзак – барча турдош сўзлар ва грамматик шаклларда такрорланадиган ҳамда асосий лексик мазмунни англатувчи, сўзнинг асосий, марказий морфемасидир.

Хизматчи морфема ёрдамчи, мажбурий бўлмаган ёки факультатив, сўзнинг турли грамматик ва сўз ясовчи мазмунларини англатувчи, яъни сўзнинг лексик маъносини ўзгартирувчи, конкретлаштирувчи сифатида белгиланади. Хизматчи морфемалар сўзда тутган ўрни, бошқа морфемаларга бўлган муносабатига қараб фарқланади. Хитой тилида хизматчи морфемалар сўздаги ўрнига қараб одатда префикслар ва суффиксларга ажралади. Жень Сюэян<sup>6</sup>, Чжан Цзин<sup>7</sup> хитой тилида инфиксларни ҳам ажратадилар, уларнинг мавжудлигини Чжан Шилу ҳам эътироф этади. Хитой тилида ҳам, бошқа тиллардаги каби, хизматчи морфемаларнинг белгиларидан бири бўлиб уларнинг маъноли морфемалардан келиб чиқиши ҳисобланади.<sup>8</sup> Хитой тилининг типологиясининг ўзгача бўлганлиги сабабли, бу белги ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Хитой тилида префикслар кам сонли ташкил этади: 老, 阿, 第, 初, 超, 非, 无, 不, 反, 自, 可, 小 ва бошқалар.

Хитой тилида префиксларга нисбатан суффикслар кўп. Суффиксни бошланғич сўзнинг негизига ёки сўзга қўшиш, префикслардаги холатга ўхшаш, сўзнинг бир сўз туркумидан бошқасига ўзгаришини англатиши мумкин. Масалан: 教 (фёъл) + 员 – 教员 ўқитувчи (от).

Маълумки суффикслар сўзда ўзакдан кейин қўлланади. Хитой тилида суффиксли морфема, одатда, сўзнинг охирида қўлланади. Лекин шу билан бирга баъзи-бир ҳолларда суффиксли морфема ўзакли морфемалар орасида, ўзакли ва бошқа суффиксли морфема, иккита суффиксли морфема орасида ҳам қўлланиши мумкин. Масалан: АБА: 果子酱 – джем, 石头子儿 – майда тош.

Бажараётган функциясига қараб хизматчи морфемалар сўз ясовчи ва грамматик (сўз ўзгартирувчи, шакл ясовчи) морфемаларга бўлинади. Хитой тилида хизматчи морфемаларнинг кўрсатилган икки тоифаси ҳам мавжуд. Сўз ясовчи ёки деривацион морфемалар хитой тилидаги хизматчи морфемаларнинг энг катта гуруҳини ташкил этади. Хитой тилида сўз ўзгартирувчи морфемаларга олмошлар ва отларнинг кўплик сонини кўрсатувчи 们 суффикси, 了, 过, 着 фёъл суффикслари киради.

现代汉语<sup>9</sup> монографиясининг муаллифлари сўз ясовчи морфемалар грамматик ва лексик маъноларга ҳам эга бўлиши мумкинлиги ҳақида гапириб ўтадилар. Хусусан, улар томонидан 员, 者, 性, 化 суффикслар ҳам лексик, ҳам грамматик маънога эга эканлигини; 反, 非, 不 префикслар фақат лексик маънога; 老, 阿 префикслар, шунингдек, 子, 儿, 头, суффикслар фақат грамматик маънони акс эттириши кўрсатиб ўтилади.

Лингвистикада у ёки бу грамматик ёки сўз ясовчи маънолар сўз таркибида бирор товушларнинг ёки товуш бирлашмаларининг йўқлиги билан ифодаланадиган ҳоллар учраб

<sup>5</sup> Хаматова А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – С. 22.

<sup>6</sup> Ren Xueliang . Hanyu zaocifa. – Beijing, 1980. – 290 ye.

<sup>7</sup> Zhang Jin. Ju, cizu, juzi. – Haerbing, 1984. – 199 ye.

<sup>8</sup> Хаматова А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – С. 24.

<sup>9</sup> Hu Yushu. Xiandai hanyu. – Beijing, 1983. – 568 ye.

туради. Бундай холларда муайян маъноларни нолинчи морфема ёрдамида ифодалаш тўғрисида гапирилади. Нафақат сўз ўзакларида аффиксларнинг бўлиши билан грамматик шаклларнинг ясалиши мумкинлиги, балки бошқа сўзлардаги худди шу ўзакларда ҳеч қандай аффиксларсиз ҳам ясалиши мумкинлигига ўз вақтида Ф.Фортунатов<sup>10</sup> эътибор берган ва “сўзларнинг аффикс билан ясаладиган ҳар қандай шакли бошқа шаклнинг мавжуд бўлишини тақозо этиб, унда худди шу ўзаклар бошқа шаклдаги сўз ўзаги каби мазкур аффиксиз ёки бошқа аффиксал, ёки умуман аффиксиз бўлади”<sup>11</sup> деб ҳисоблаган.

Н.Шанский<sup>12</sup> нолинчи морфемани сўзнинг моддий акс этмаган қисми сифатида ифодалаб, у (нолинчи морфема) сўзда шу қаторнинг моддий акс этган морфемаларга эга бўлган, коррелятив шакллар билан солиштириш бўйича ажратилади.

Тилшуносликда сўз ясовчи, шакл ясовчи ва сўз ўзгартирувчи нолинчи морфемалар ажратилади.

### ХУЛОСА

Хитой тилида нолинчи морфема ёки нолинчи морфема билан ифодаланган шакл тўғрисидаги масала у ёки бу даражада Н.Коротков<sup>13</sup>, С.Яхонтов<sup>14</sup>, Н.Солнцева ва В.Солнцевларнинг<sup>15</sup> ишларида кўриб чиқилган. Мазкур муаммо хитой тилининг мураккаб ва мунозарали масалалари қаторида алоҳида ўрин тутди. Муаммо билан боғлиқ бўлган барча мунозараларнинг моҳиятини ёритиб ўтирмасдан, хитой тили бўйича барча ишларда мунозара шакл ясовчи нолинчи морфемалар устида борганлигини айтиб ўтамиз. Бироқ сўнги вақтларда сўз ясовчи нолинчи морфема атамаси ҳам пайдо бўла бошлади (масалан, Го Лянфунинг “Ҳозирги хитой тилининг префикслари ва суффикслари” мақоласида)<sup>16</sup>. Нолинчи морфемани ажратиш шартлидир. Гап шундаки, нолинчи морфемани тан олиш, морфемани шакл ва мазмунга, маънога эга бўлганлиги билан характерланувчи, тил бирлиги сифатидаги умумий қабул қилинган тушунчага зиддир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Коротков Н.Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. – М., 1968.
2. Солнцева Н., Солнцев В. Очерки по современному китайскому языку. – М., 1957. –
3. Фортунатов Ф.Ф. Сравнительное языкознание // Избранные труды. Т.1. – М., 1956.
4. Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003.
5. Хашимова С. Ҳозирги хитой тилида редупликация. Т., 2012. – 114 б.
6. Хашимова С. Носирова С. Хитой тили грамматикаси. – Т.: Jahon Press, 2012. – 150 б.
7. Шанский Н.М. Очерки по русскому словообразованию. – М., 1968. – С.310.
8. Яхонтов С. Категория глагола в китайском языке. – Л., 1957. – 181 с
9. Hu Yushu. Xiandai hanyu. – Beijing, 1983. – 568 ye.
10. Ren Xueliang . Hanyu zaocifa. – Beijing,
11. Zhang Zhigun. Xiandai hanyu. – Beijing, 1983. – Ye 109
12. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 1-10.

<sup>10</sup> Фортунатов Ф. Сравнительное языкознание // Избранные труды. Т.1. – М., 1956. – С.23–197.

<sup>11</sup> Ўша манба. – С.147.

<sup>12</sup> Шанский Н. Очерки по русскому словообразованию. – М., 1968. – С.128

<sup>13</sup> Коротков Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. – М., 1968. – 400 с.

<sup>14</sup> Яхонтов С. Категория глагола в китайском языке. – Л., 1957. – 181 с.

<sup>15</sup> Солнцева Н., Солнцев В. Очерки по современному китайскому языку. – М., 1957. – 204 с.

<sup>16</sup> Хаматова А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – С.34.

13. Ashiralievich, V. A., & Vasilovna, M. K. (2020). The interactive means of learning oriental languages. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(3), 78-86.
14. Омонов, К. Ш. (2015). Типы деловых документов в истории старотюркского литературного языка. *Paradigmata poznani*, (3), 71-74.
15. Khalmurzaeva, N. T. (2021). CONTRAST DESCRIPTION OF JAPANESE AND CHINESE VERBAL COMMUNICATIVE BEHAVIOR. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES (2767-3758)*, 2(12), 170-176.
16. Насирова, С. А. (2020). Генезис общественно-политической терминологии китайского языка через призму истории китайской дипломатии. *Modern Oriental Studies*, 2(2), 22-33.
17. Хашимова, С. А. (2022). О НЕКОТОРЫХ ОСОБЕННОСТЯХ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОГО АСПЕКТА КОММУНИКАЦИИ (НА ПРИМЕРЕ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА). *SO 'NGI ILMU TADQIQOTLAR NAZARIYASI*, 1(1), 85-91.
18. Хашимова, С. А. (2020). ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИ СИФАТЛАРДА КОНВЕРСИЯ ҲОДИСАСИ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 3(2).
19. Нишанбаева, А. И., Мирзахмедова, Х. В., & Джафаров, Б. Ф. (2021). ОБРАЗОВАНИЕ СЛОВ С ПОМОЩЬЮ ПЕРСИДСКИХ ГЛАГОЛЬНЫХ АФФИКСОИДОВ В ПОЭМЕ «ХАЙРАТ АЛЬ-АБРАР» АЛИШЕРА НАВОИ.
20. Содиков, К., & Омонов, К. (2010). Узбек тилининг ёзма услублари тарихидан.
21. Халмурзаева, Н. Т. (2016). Проблема определения категории вежливости в японской лингвистике. *International scientific review*, (18 (28)), 83-84.
22. Насирова, С. А. (2022). ИНСТИТУТ ЕВНУХОВ В ДРЕВНЕМ КИТАЕ: ПРИЧИНЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ И ОСОБЕННОСТИ. In *Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации* (pp. 187-188).
23. Hashimova, S. A. (2021). On some grammatical features of doubling in linguistics. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(7), 114-119.
24. Nuriddinov, N., Mirzakhmedova, K., Nishanbaeva, A., & Djafarov, B. (2021). COPULATIVE COMPOUNDS MADE BY INTERFIX الف وصل. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 65-69).
25. Khalmurzaeva, N. T. (2019). СПОСОБЫ КЛАССИФИКАЦИИ ВЕРБАЛЬНЫХ ФОРМ КАТЕГОРИИ ВЕЖЛИВОСТИ В ЯПОНСКОМ ЯЗЫКЕ. *Theoretical & Applied Science*, (12), 27-33.
26. Насирова, С. А. (2021). ПОЛИТИЧЕСКАЯ МЕТАФОРА (НА ПРИМЕРЕ МАТЕРИАЛА ПО КАДРОВОЙ ПОЛИТИКЕ СОВРЕМЕННОЙ КНР). In *Recent Scientific Investigation* (pp. 69-73).